

Қизларга ўн маслаҳат



16:00 / 10.05.2023 3272

Оиланинг бахту саодатида, оила аъзоларининг тотув ва ахил яшашида келинларимиз ҳам алоҳида ўрин тутишади. Қуйида ўтмишда турмушга чиқаётган қизига оналарнинг қандай насиҳат қилишгани билан танишиб чиқамиз.

Асмо бинт Хорис турмушга чиқаётганида онаси Умома уни куёвникига узатишдан олдин шундай насиҳат қилган экан:

1. Қаноатли бўл. Ҳолингга шукр қил, эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган, хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирининг бир йўли ўз ҳолига шукр қилишдир. Ҳолига шукр қилмаган, нафсини тиймаган кишида кўнгил хузури, қалб роҳати

бўлмайди!

2. Эрингга итоат эт, «қил» деганини қил, «қилма» деганини қилма!

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер, уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, ҳожангнинг кўзига бирон чиркин нарса кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут, эринг фақат хушбўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин, чунки ёмон ҳидлар эрингнинг олдида обрўйингни туширади, сендан ирганишига сабаб бўлади. Шунини яхши билки, инсон кўзига хуш кўриниш тозалик ва орасталик биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла, овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтга овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шунини яхши билки, очлик инсоннинг жаҳлини тез келтиради.

6. Эрингнинг ухлаш вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол, ётиш пайти ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафахон этади. Асаблари бузуқ, хафахон одамларнинг эҳтироси муҳаббатини аста-секин сўндиради.

7. Эрингнинг мол-мулкига, ашёларига жуда зиборли бўл, уларни яхши сақла, авайла, муҳофаза қилгин, чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эринг мол-дунёсини исроф қилмаслик ишнинг кўзини билиш ва қадрига етишдир.

8. Эрингнинг қариндоши ва яқинларига ҳурмат кўрсат, уларга ҳурмат унинг ҳузурида ҳурмат-эътибор, қадр-қиммат қозонишингдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма, уларни билсанг, эҳтиёт қил. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йуқотасан, қураётган оиланг бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил, уларни бажаришда танбал бўлма. Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсизлик қилма, акс ҳолда сенга кин сақлаб, охири душманга айланади. У сенга душманлик йўлини тутса, кўп зарар кўрасан.

Буни даф қилиш учун эса қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Шунини яхши билиб олгинки, ҳожанг хафа бўлганда хурсанд бўлишдан, у хурсанд бўлганда эса хафа кўринишдан жуда эҳтиёт бўлгин. У хафа бўлганда хурсанд кўринишинг, қувонганида ғамгин бўлишинг унга ҳамдард бўлмаслик қусурини келтириб чиқаради. Бу эса фаҳмсиз ва тарбияси ёмон одамларга хос ишдир. Бу сен каби юксак тарбия кўрган эс-хушли, оқила қизларга ярашмайди. Болажоним! Эрингга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг ҳам шунчалик муҳаббат ва ҳурматга эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тингласанг, шу даражада эътибор ва эҳтиромга

сазовор бўласан.

Инобат Абдумўмин қизи тайёрлади

Ушбу «Ҳилол» тақвими Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2325-сонли хулосаси асосида чоп қилинди.